**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# 5А110301- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислигининг малака талаблари

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 744
"25" 08 2018 йил

## СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент давлат педагогика университети.

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» август даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаблар Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА


**Т/р** **бет**

**1. 5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислигининг умумий таснифи...........................................................................................**

1.1. Қўлланиш соҳаси .....………………………...........................................................

1.2 *5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи..................

**2. *5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси* (кимё) мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар......................................................**

2.1. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар........................................................................................................................

2.2. *5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари .........................................................................................................

**3. *5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар....................**

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар …............

3.2. *5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)* магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми ................................

## 1. 5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

**5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё**) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос малака (даража)си 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати, ўқиш шакли ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака (даража) | Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Мутахассисликнинг ўқув режа ва фан дастурлари | Магистр | 2 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)*** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасалари учун мажбурий талаблар мажмуасини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда асосий ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистртура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;
- магистртура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;
- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим соҳасининг магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2.** ***5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)*** мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи

***1.2.1. 5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)*** **мутахассислиги бўйича бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

***5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)*** **магистратура мутахассислиги** – қўшимча равишда олий таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш, мос таълим йўналишлари бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида жараённи лойиҳалаштириш ва бошқариш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

***1.2.2. 5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)*** **мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

қўшимча равишда олий таълим тизими муассасаларида мутахассислик бўйича ўқув-тарбия ва илмий-тадқиқот жараёнлари, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва техник лойиҳалари, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи объектлар мажмуасини қамраб олади.

***1.2.3.*** **Таълим соҳаси бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *илмий-педагогик,*
- *илмий-тадқиқот;*
- *маънавий-маърифий*;
- *ташкилий-бошқарув;*
- *олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги педагогик фаолиятда* ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

## 2. *5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)* мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умум методологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил тахлил қилиш;
- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини ажирата олиш;
- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиш;
- шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиш;
- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиш;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиш;

- ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиш;

- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;

- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиш;

- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;

- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиш;

- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаш;

- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила олиш;

- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиш;

- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш;

- патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиш;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш ***малакаларига эга бўлиши керак***.

**2.2. *5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Илмий-педагогик фаолиятида:**

- фаннинг замонавий ютуқлари, педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиш, таълим олувчиларнинг қизиқишлари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш;

- таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама ривожлантириш жараёнини мотивациялаш ва фаоллаштириш, ўқув-тарбиявий фаолият барча босқичларининг мантиқийлиги ва эмоционаллигига эришиш, дидактик воситалардан самарали фойдаланиш; зарур билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш ва фаолият рационал усулларини шакллантириш, мавжуд билимларни доимо бойитиб бориш эҳтиёжини юзага келтириш,ҳар бир дарсни ташхис этиш, прогнозлаш ва пухта лойиҳалаштириш;

- ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш ва ўзлаштиришнинг энг янги технологияларини қўллаш, турли хилдаги шакл, метод ва воситалардан мос равишда фойдаланиш;

- жамоавий фаолият усуллари билан бирга таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг турли шаклларидан фойдаланиш, тезкор қайта алоқани таъминлаш, назорат ва бошқарувни амалга ошириш, дарсни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш;

- таълим олувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар (ватанпарварлик, тиришқоқлик, тартиблилик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, толерантлик ва бошқалар)ни шакллантириш;

- педагогик одоб талабларига амал қилиш, таълим олувчилар билан ҳамкорлик ва уларнинг муваффақият қозонишларидан манфаатдор бўлиш;

- таълим олувчиларда ўқув-билиш фаолиятига доир ижобий сифатлар, қизиқиш, ижодий ташаббускорлик ва фаолликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш;

- таълим олувчиларнинг идрок этиш имкониятлари даражасини ўрганиш, ҳисобга олиш, “ривожланишнинг яқин зонасини лойиҳалаштириш”, “ўзиб кетиш” даражасидаги ўқув машғулотларини ташкил этиш;

- таълим олувчиларнинг шахсий ва касбий ривожланишини таъминлаш мақсадида таълим-тарбия шакл, метод ва воситаларини ҳамда таълим технологияларини оқилона танлаш ва самарали қўллаш;

- таълим олувчиларнинг ўзлаштирилаётган ўқув дастурлари билан боғлиқликдаги билиш имкониятлари, эҳтиёжлари ва муваффақиятларини ўрганиш ва олинган натижалар асосида таълим, тарбия ва ривожланишнинг индивидуал йўналишларини лойиҳалаштириш;

- таълим ва тарбия жараёнини таълим олувчиларнинг ёш ҳамда психофизиологик хусусиятларига, шу жумладан уларнинг таълимий эҳтиёжларига мос келувчи педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

- педагогик жамоа, ота-оналар, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш;

- касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш.

- педагогларнинг касбий эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда олинган натижалар асосида индивидуал методик қўллаб-қувватлаш тизимини лойиҳалаштириш;

- педагогларнинг ҳамкорликдаги методик фаолияти натижаларини амалда қўлланишини тадқиқ этиш, ташкил этиш ва баҳолаш;

- таълимий дастурларни ва таълим олувчиларнинг индивидуаллигини ривожлантириш йўлларини лойиҳалаштириш;

- ўқув фанлари мазмуни, назорат шакл ва методларини ҳамда дидактик-коррекцион материалларини лойиҳалаштириш;

- ўқитиш жараёни сифатини таъминловчи таълимий муҳитни лойиҳалаштириш;

- бўлғучи педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш ***малакаларига эга бўлиши лозим.***

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- манбаларга асосланган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, давр учун долзарб, ҳал этилиши лозим бўлган ва такомиллаштириш талаб этиладиган йўналишларга доир мавзуларни аниқлай олиш;

- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш;

- замонавий тадқиқот методлари ва методологияси, таълим-тарбияга доир назариялар, концепциялар, илғор тажрибалардан фойдаланиш;

- илмий муаммоларни ҳал этишнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш ***малакаларига эга бўлиши лозим.***

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш ***малакаларига эга бўлиши лозим***.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- таълим-тарбия жараёни қатнашчилари ва ижодий жамоани бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;
- илмий ва ўқув фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни такомиллаштириш ***малакаларига эга бўлиши лозим.***

**Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги педагогик фаолиятда:**

- мутахассислик фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;
- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш маҳоратига эга бўлиши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник ва компьютер воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги янги шакл, методлар воситаларни ўзлаштириш ва ўз-ўзини ривожлантириш;
- электрон ахборот таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш;
- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ***малакаларига эга бўлиши лозим.***

## 3. 5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қуйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

-умумметодологик фанлар;

-мутахассислик фанлари;

-танлов фанлари;

-илмий фаолият.

Ўқув режа ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режа ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳамда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларини ҳисобга олиши керак.

**ОТМлар ўқув режа ва фан дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши лозим.**

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўгаракларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёни машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шаклларни ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фанларнинг ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан (модул, курс) лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

Талабаларда билим, кўникма ва амалий малакаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ ўқув режа ва фан дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

Магистратура мутахассислиги ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояси билан тугалланиши шарт.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**Умумметодологик фанлар блоки:**

-миллий ғоя ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг боғлиқлигини ва унинг асосий мақсадларини англаши;

-тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хулосаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усулларини фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фарқини билиши;

-таълимга технологик ёндашув, ўқув мақсадларини аниқлаштириши, педагогик фаолиятни оқилона режалаштириши ва ташкил этиши;

-ахборот тизимларини ташкил этиши ва бошқариши;

-амалдаги қонунчилик нормаларини қўллаш орқали ҳуқуқий масалалаларни ҳал қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг магистратура мутахассисликлари ўқув режаларидаги умумметодологик фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Мутахассислик фанлари блоки:**

-ижтимоий-иқтисодий жараёнларни таҳлил эқилиши, моделлаштириши ва педагогик таълим соҳасидаги магистратура мутахассисликлари бўйича назарий ва амалий билимларни, укув ва кўникмаларни шакллантириши;

-педагогик таълим соҳасидаги мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши;

-магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Илмий фаолият блоки илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида муайян илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

**Илмий фаолият:** илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

**Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар:**

-мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;

-ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

-талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

**Илмий-педагогик ишлар:**

-замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

-ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш укуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

***Стажировка:***

-педагогика таълим соҳасида илмий тадқиқот олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириши;

-педагогика таълим соҳасидаги инновацион янгиликлар билан таништириши;

-педагогика таълим соҳасида амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириши;

-касбга самарали мослашувни таъминлаши;

Бунда стажировкага йўлланган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини якка жадвал (индивидуал график) асосида бажариши кўзда тутилади.

***Танлов фанлари:***

*Мутахассислик бўйича фан, иқтисодиёт, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. *5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)* магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 36 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 20 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Назарий таълим ва илмий фаолият 54 ҳафта.

Аттестациялар 7 ҳафта.

Таътиллар 18 ҳафта.

Илмий амалиёт 21 ҳафта.

Жами 100 ҳафта.

Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

Ўқиш даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши зарур:

Назарий таълим 54 %;

Аттестациялар 7 %;

Таътиллар 18 %;

Илмий амалиёт 21 %;

Илмий фаолият магистратура талабасининг якка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:

илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш - 70 - 75%;

илмий-педагогик иш ва малака амалиёти - 25 - 30%.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қуйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

умумметодологик фанлар – 16 %;

мутахассислик фанлари – 54 %;

танлов фанлари – 30 %.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 54:371.3

**Таянч сўзлар:**
касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, малака талаблари, компетенция, модуль, касбий фаолият соҳаси, касбий фаолият объекти, касбий фаолият тури, амалиёт, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми

## 5А110301- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси *(Кимё)* магистратура йўналиши бўйича таълим дастурининг намунавий тузилиши

| Т.р. | Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари | Умумий юкла-манинг ҳажми, соатларда |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| **1.00.** | **Умумметодологик фанлар** | **260** |
| 1.01. | Илмий-тадқиқот методологияси | 65 |
| 1.02. | Мутахассислик ўқитиш методикаси | 65 |
| 1.03. | Амалий хорижий тил | 130 |
| 2.00. | **Мутахассислик фанлари** | **870** |
| 2.01. | Мутаассислик фанларни ўқитиш методикаси | 130 |
| 2.02. | Ноорганик кимёни назарий асослари | 180 |
| 2.03. | Органик кимёни назарий асослари | 236 |
| 2.04. | Анализнинг физик-кимёвий методлари | 194 |
| 2.05. | Ноорганик синтез | 130 |
| **3.00.** | **Танлов фанлари** | **490** |
| **3.01.** | *Танлов фанлари* | **490** |
| | **ЖАМИ** | **1620** |
| 4.00. | **Илмий фаолият** | **2430** |
| 4.01. | Илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик иш, магистрлик диссертациясини тайёрлаш | 1026 |
| 4.02. | Илмий семинар | 270 |
| **4.03.** | Илмий амалиёт (стажировка) | 1134 |
| | **ЖАМИ** | **4050** |
| | **Аттестациялар** | **378** |
| | **ХАММАСИ** | **4428** |

**Кафедра мудири:** **А.Ю.Искандаров**

**5110300- *Кимё ўқитиш методикаси* бакалавриат таълим йўналиши ўқув жараёни жадвали ва ўқув режанинг 2017 йилда тасдиқланган ўқув режаси билан қиёсий-солиштирма жадвали**

## I.ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

### 2017 йилдаги ўқув режа бўйича

| Курс | Сентябр | | | | | Октябр | | | | Ноябр | | | | | Декабр | | | | Январь | | | | | Февраль | | | | Март | | | | | Апрел | | | | Май | | | | Июн | | | | Июл | | | | Август | | | | Жами | Ўқув жараёни (ҳафталарда): Назарий таълим ва илмий фаолият | Илмий амалиёт (стажировка) | Аттестациялар | Таътиллар | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳафталар | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | | | | | | |
| I | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | | | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 40 | | 2 | 10 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | | | А | И | И | И | И | И | И | И | И | | | | | | | | | | | А | Д | Д | Т | Т | Т | Т | | | | | 42 | 30 | 8 | 4 | 6 | 48 |
| ЖАМИ: | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 84 | 70 | 8 | 6 | 16 | 100 |

| Назарий таълим ва илмий фаолият | Д – Давлат аттестация | И – Илмий амалиёт (стажировка) | А – Аттестация | Т – Таътиллар |
|---|---|---|---|---|

### 2018 йилдаги ўқув режа бўйича

| Курс | Сентябрь | | | | | Октябрь | | | | Ноябрь | | | | | Декабрь | | | | Январь | | | | | Февраль | | | | Март | | | | | Апрель | | | | Май | | | | Июнь | | | | Июль | | | | Август | | | | ЖАМИ | Ўқув жараёни (ҳафталарда): Назарий таълим ва илмий фаолият | Илмий амалиёт (стажировка) | Аттестациялар | Таътиллар | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳафталар | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | | | | | | |
| I | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 40 | 36 | | 4 | 12 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | А | А | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | Д | Т | Т | Т | Т | | | | | 42 | 18 | 21 | 3 | 6 | 48 |
| Жами | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 82 | 54 | 21 | 7 | 18 | 100 |

| Назарий таълим ва илмий фаолият | Д – Давлат аттестацияси | И – Илмий амалиёт (стажировка) | А – Аттестация | Т – Таътиллар |
|---|---|---|---|---|

**2017 йил ўқув режа бўйича** | **2018 йил ўқув режа бўйича**

| Т/р | Ўқув фанлари (курслар) ва илмий фаолият турларининг номи | Умумий юклама ҳажми | Т/р | Ўқув фанлари (курслар) ва илмий фаолият турларининг номи | Умумий юкламанинг ҳажми |
|---|---|---|---|---|---|
| **1.00** | **Умумметодологик фанлар** | **1102** | **1.00.** | **Умумметодологик фанлар** | **260** |
| 1.01 | Ўзбекистон ихтимоий-иқтисодий ривожланиш стрстегияси | 60 | 1.01. | Илмий-тадқиқот методологияси | **65** |
| 1.02 | Илмий-тадқиқот методологияси Мутахассислик ўқитиш методикаси | 60 | 1.02. | Мутахассислик ўқитиш методикаси | **65** |
| 1.03 | Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат | 60 | 1.03. | Амалий хорижий тил | **130** |
| 1.04 | Амалий хорижий тил | 120 | 2.00. | **Мутахассислик фанлари** | **870** |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1.05 | Замонавий ахборот коммуникация технологиялар | 60 | 2.01. | Мутаассислик фанларни ўқитиш методикаси | 130 |
| 1.06 | *Танлов фанлари* | 90 | 2.02. | Ноорганик кимёни назарий асослари | 180 |
| 2.00. | **Мутахассислик фанлари** | 830 | 2.03. | Органик кимёни назарий асослари | 236 |
| 2.01 | Мутаассислик фанларни ўқитиш методикаси | 140 | 2.04. | Анализнинг физик-кимёвий методлари | 194 |
| 2.02 | Ноорганик кимёни назарий асослари | 210 | 2.05. | Ноорганик синтез | 130 |
| 2.03. | Органик кимёни назарий асослари | **270** | **3.00.** | **Танлов фанлари** | 490 |
| 2.04 | Анализнинг физик-кимёвий методлари | 210 | **3.01.** | *Танлов фанлари* | **490** |
| 3.00 | **Танлов фанлари** | 232 | | **ЖАМИ** | **1620** |
| | **ЖАМИ** | 1512 | 4.00. | **Илмий фаолият** | **2430** |
| 4.00. | **Илмий фаолият** | **2700** | 4.01. | Илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик иш, магистрлик диссертациясини тайёрлаш | **1026** |
| 4.01. | Илмий-тадқиқот иши | **1345** | 4.02. | Илмий семинар | 270 |
| 4.01.1. | Магистрлик диссертацияси тайёрлаш | **545** | **4.03.** | Илмий амалиёт (стажировка) | 1134 |
| **4.02.** | Илмий –педагогик иш | **1134** | | **ЖАМИ** | **4050** |
| 4.03 | Илмий амалиёт (стажировка) | *432* | | **Аттестациялар** | **378** |
| | ХАММАСИ | **4212** | | **ХАММАСИ** | 4428 |

**Кафедра мудири:** **А.Ю.Искандаров**

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

**Ректор** ________________ **Ш.Шарипов**

2018 йил «6» август

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Республика таълим маркази

**Директор** ________________ **М.Эсанов**

2018 йил «6» август

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини**
**ривожлантириш маркази**

**Директор** ________________ **Б.Рахимов**

2018 йил «10» 08

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг**
**Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг жорий этилишини назорат қилиш Бош бошқармаси**

**Бошлиқ** ________________ **С.Ниязбеков**

2018 йил «10» 08

М.Ў.

**5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқарувчи**

**Ишчи гуруҳ таркиби**

| Т/р | **Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.** | **Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи** | **Имзо** |
|---|---|---|---|
| 1 | Шарипов Ш.С | Низомий номидаги ТДПУ ректори, проф., п.ф.д. | |
| | | **Аъзолари:** | |
| 1 | Искандаров А.Ю. | Низомий номидаги ТДПУ Табиий фанлар факултети Кимё ўқитиш методикаси кафедра мудири в.б., доцент | |
| 2 | Ибодуллоева М.И. | Низомий номидаги ТДПУ Табиий фанлар факултети Кимё ўқитиш методикаси кафедраси доцент, к.ф.н. | |
| 3 | Махматқулова З.Х. | Низомий номидаги ТДПУ Табиий фанлар факултети Кимё ўқитиш методикаси кафедраси доцент, т.ф.н. | |
| 4 | Темиров Н.О. | Низомий номидаги ТДПУ Табиий фанлар факултети Кимё ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси | |

Низомий номидаги ТДПУ ректори; Шарипов .Ш.С.

Ўқув ишлари бўйича проректор: Эргашев Д.У

Табиий фанлар факултети декани : Сапаров К.А.

**5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислиги бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари мазмуни юзасидан ишчи гуруҳнинг келишув варақаси**

| Т/р | Ишчи гурух раиси ва аъзолари | Аъзоларнинг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Раис | Д.У.Эргашев | Низомий номидаги ТДПУ Ўқув ишлари бўйича проректор | |
| 2. | Аъзо | К.А.Сапаров | Низомий номидаги ТДПУ Табиий фанлар факультет декани | |
| 3. | Аъзо | Искандаров А.Ю. | Низомий номидаги ТДПУ Табиий фанлар факультети Кимё ўқитиш методикаси кафедра мудири в.б., доцент | |
| 4. | Аъзо | Ш.М.Миркомилов | Низомий номидаги ТДПУ Кимё ўқитиш методикаси кафедраси профессори | |
| 5. | Аъзо | З.Х.Махматқулова | Низомий номидаги ТДПУ Кимё ўқитиш методикаси кафедраси доценти | |
| 6. | Аъзо | М.И.Ибодуллоева | Низомий номидаги ТДПУ Кимё ўқитиш методикаси кафедраси доценти | |
| 7. | Аъзо | Н.О.Темиров | Низомий номидаги ТДПУ Табиий фанлар факультети Кимё ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси | |

Низомий номидаги ТДПУ ректори Шарипов .Ш.С.

Ўқув ишлари бўйича проректор Эргашев Д.У

Ўқув–услубий бўлим бошлиғи А.А.Хўжаев

Табиий фанлар факультети декани К.А.Сапаров

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Тошкент давлат педагогика университетида амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича такомиллаштирилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини турдош олий таълим муассасалари билан**

## КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш. "10" 08 2018 й.

**Қатнашдилар:** Ф.Жўрақулов – ЖиззахДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, Н.Жўраев - ҚўқонДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, Ф.Г.Шарипов – ГулистонДУ ўқув ишлари бўйича проректори, Д.Бойтиллаев – НаманганДУ ўқув ишлари бўйича проректори, М.Жумамуротов – НукусДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, А.Қўшақов – НавДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, Д.Давлетов – Математика ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Р.Тургунбаев – Умумий математика кафедраси мудири, С.Турсунов – Информатика ўқитиш методикаси кафедраси мудири, О.Дўстматов - Физика ва астрономия ўқитиш методикаси мудири, О.Искандаров - Кимё ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б., Г.Шахмурова - Биология ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Г.Турсунбоева - Ботаника кафедраси мудири, Н.Алимқулов - География ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Д.Маматқулов - Зоология ва анатомия кафедраси мудири, З.Салиева – Педагогика ва умумий психология кафедраси мудири, Н.Халилова – Психология кафедраси мудири, Г.Джанпеисова – Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири, Д.Яқубжонова – Махсус таълим методикаси кафедраси мудири, З.Аҳмедова – Коррекцион педагогика кафедраси мудири, С.Назаров – Инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б., О.Юсупов – Инглиз тили амалий курси кафедраси мудири, О.Латипов - Рус тили ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Ю.Матенова - Рус адабиёти ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, О.Рахматуллаева - Ўзбекистон тарихи ва тарих ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б., Н.Жамолов - Миллий ғоя ва маънавият асослари кафедраси мудири, К.Туленова – Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири в.б., Г.Анорқулова – Касб таълими методикаси кафедраси мудири, Д.Маматов – Меҳнат таълими ва дизайн кафедраси мудири, Н.Ташимов Муҳандислик графикаси ва уни ўқитиш методиқаси кафедраси мудири, Р.Халилов – Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Л.Набиуллина – Ахборот технологиялари кафедраси мудири, А.Холиқов – Бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, У.Раджабов – Жисмоний маданият кафедраси мудири, Қ.Панжиев – Мусиқа таълими кафедраси мудири ва таклиф этилганлар.

## КУН ТАРТИБИ

1. **Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида** белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Тошкент давлат педагогика университети ижодий ишчи

гуруҳлари томонидан тайёрланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларининг муҳокамаси:

Сўзга чиқди: Д.Эргашев – маълумки, **Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рсспубликасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида** белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича такомиллаштирилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини яратиш зарурияти туғилди. ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ишлаб чиқилган. Янги яратилган малака талаблари ҳамда ўқув режаларини ушбу йиғилишда муҳокама қилишимиз зарур. Мазкур масала юзасидан ТДПУда олиб борилган ва амалга оширилган ишлар билан батафсил танишиш зарур бўлади.

Эшитилди: А.А.Хўжаев – университет ўқув-услубий бўлими томонидан барча кафедра мутахассисларини жалб қилган ҳолда директив ҳужжатлар асосида 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини лойиҳалари қайта ишлаб чиқилди.

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари университет масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан яратилди:

| | | |
|---|---|---|
| Ш.С.Шарипов | - | Тошкент давлат педагогика университети ректори, Ишчи гуруҳ раиси; |
| Д.У.Эргашев | | Ўқув ишлари бўйича проректор, раис ўринбосари; |
| Д.Давлетов | - | Математика ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Р.Тургунбаев | - | Умумий математика кафедраси мудири; |
| С.Турсунов | - | Информатика ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| О.Дўстматов | - | Физика ва астрономия ўқитиш методикаси мудири; |
| О.Искандаров | | Кимё ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б.; |
| Г.Шахмурова | - | Биология ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Г.Турсунбоева | - | Ботаника кафедраси мудири; |
| Н.Алимқулов | - | География ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Д.Маматкулов | - | Зоология ва анатомия кафедраси мудири; |
| З.Салиева | - | Педагогика ва умумий психология кафедраси мудири; |
| Н.Халилова | - | Психология кафедраси мудири; |
| Г.Джанпеисова | - | Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири; |
| Д.Яқубжонова | - | Махсус таълим методикаси кафедраси мудири; |
| З.Аҳмедова | - | Коррекцион педагогика кафедраси мудири; |
| С.Назаров | | Инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б.; |
| О.Юсупов | | Инглиз тили амалий курси кафедраси мудири; |
| О.Латипов | - | Рус тили ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Ю.Матенова | - | Рус адабиёти ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| О.Рахматуллаева | | Ўзбекистон тарихи ва тарих ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б.; |
| Н.Жамолов | - | Миллий ғоя ва маънавият асослари кафедраси мудири; |
| К.Туленова | - | Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири в.б.; |

| | | |
|---|---|---|
| Г.Анорқулова | - | Касб таълими методикаси кафедраси мудири; |
| Д.Маматов | - | Меҳнат таълими ва дизайн кафедраси мудири; |
| Н.Ташимов | - | Муҳандислик графикаси ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Р.Халилов | - | Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Л.Набиуллина | - | Ахборот технологиялари кафедраси мудири; |
| А.Холиқов | - | Бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири; |
| У.Раджабов | - | Жисмоний маданият кафедраси мудири; |
| Қ.Панжиев | - | Мусиқа таълими кафедраси мудири; |

Кун тартибидаги масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Тошкент давлат педагогика университетида ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган **110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари: "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, **Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида** белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги, асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари экспертизасидан ўтказилганлиги инобатга олинсин.

2. **110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини тайёрлашда турдош ОТМларининг таклифлари ҳисобга олинганлиги таъкидлансин.

3. **110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқлатиш учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига топширилсин.

**Мажлис раиси** **Ш.С.Шарипов**

**Котиб** **А.А.Хўжаев**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши**
**Мувофиқлаштирувчи Кенгаши *Педагогика* таълим соҳалари бўйича**
**ўқув-услубий бирлашмаси йиғилишининг 531-сонли**

**БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

Тошкент ш. "14" 08 2018й.

Қатнашдилар: **Бирлашма раиси** – Ш.С.Шарипов
**Ўқув-услубий бирлашма котиби: А.А.Хўжаев**
**Аъзолари:** - ўқув-услубий бирлашманинг 23 нафар аъзосидан 21 нафари, таклиф этилганлар 16 нафар.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат педагогика университетида "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**Эшитилди: Ўқув-услубий бирлашма раиси Ш.С.Шарипов:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гурух аъзолари томонидан, "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини таянч олий таълим муассасаси ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва малакали профессор-ўқитувчилари томонидан, "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га мувофиқ *110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* такомиллаштирилганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу такомиллаштирилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

**Сўзга чиқдилар:** ЖиззахДПИ ўқув ишлари бўйича проректори Ф.Жўрақулов, ҚўқонДПИ ўқув ишлари бўйича проректори Н.Жўраев, НукусДПИ ўқув ишлари бўйича проректори М.Жумамуротов, НавДПИ ўқув ишлари бўйича проректори А.Қўшақов, университет профессорлари Б.Абдуллаева, Н.Муслимов, доцентлар Н.Алимқулов, З.Салиева, А.Д.Давлетовлар сўзга чиқиб, *110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

**Эшитилди: Университет ўқув ишлари бўйича проректори Д.Эргашев:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим

сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан такомиллаштирилган малака талабларида таълим соҳасини ривожлантиришда рўй бераётган иқтисодий ислоҳатлар тўлалигича ўз аксини топди, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун тавсия этиш мумкин, - деб фикр билдирди.

"Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги *110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* республикадаги асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан келишилган, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик қошидаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этилса бўлади.

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Турдош олий таълим муассасалари (ОТМ) вакилларини ҳамда университет профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Тошкент давлат педагогика университетида ташкил этилган ижодий ишчи гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган *110000-Педагогика таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифалар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.
2. **110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича ишлаб чиқилган *110000-Педагогика таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМлари манфаатдор вазирликларида экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлансин (110000-Педагогика таълим соҳасига кадрлар истеъмолчилари (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги) томонидан қўйиладиган умумий малака талаблари, "Келишув баённомалари", "Келишув далолатномалари" билан расмийлаштирилган ва малака талабларга илова қилинади).
3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар малака талабларининг яратилишида инобатга олинсин.
4. *110000-Педагогика таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига тақдим этилсин.

**Бирлашма раиси** **Ш.С.Шарипов**

**Масъул котиб** **А.А.Хўжаев**

**Тошкент давлат педагогика университети 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

# КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш. «10» 08 2018 й.

Биз қуйидаги имзо қўювчилар –Республика таълим маркази директори М.Эсанов ва ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори Д.У.Эргашевлар халқ таълими вазирлиги ходимлари ҳамда ТДПУнинг профессор-ўқитувчилари биргаликда “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ *110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини* ишлаб чиқилганлиги, муҳокама қилинганлиги ҳамда ушбу ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларининг мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

*110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини* ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

*110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари* “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

*110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг* малака талаблари ва ўқув режалари фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган *110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг* малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази директори М.Эсанов

ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор Д.У.Эргашев

**Низомий номидаги ТДПУ 5А110301- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислигининг малака талаблари**

# Т А Қ Р И З

5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури асосида амалга оширилади.

Ушбу магистратура мутахассислигининг малака талабларига магистр тайёрлаш учун қўйиладиган умумий талаблар, илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умум методологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши, педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш, илмий фаолияти, касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдалана олишлиги таъкидланган.

Магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талабларининг илмий-педагогик фаолиятида фаннинг замонавий ютуқлари, педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиш, таълим олувчиларнинг қизиқишлари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш, илмий-тадқиқот фаолиятидаги ишлар, маънавий-маърифий фаолиятида, ташкилий-бошқарув фаолиятида, олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги педагогик фаолиятда қилинадиган ишлар ҳақида керакли маълумотлар берилган.

Мазкур 5А110301- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислигининг малака талаблари магистрлар тайёрлаш талабига жавоб беради, уни тавсия этиш мумкин.

**Тақризчи**:
Низомий номидаги ТДПУ
Кимё ўқитиш методикаси кафедраси
доценти, пед.ф.н. **Ф.Алимова**

TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI TDPU 2 TABIIY FANLAR FAKULTETI

**Низомий номидаги ТДПУ 5А110301- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислигининг малака талаблари**

# T A Q R I Z

Ушбу малака талабида 5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислигининг умумий таснифи, унинг қўлланиш соҳаси, мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи, таълим соҳаси бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари тўлиқ ёритилган.

Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар мутахассислик бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талабларига мос холатда магистрлар илмий-педагогик фаолиятида таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама ривожлантириш жараёнини мотивациялаш ва фаоллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятида манбаларга асосланган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, давр учун долзарб, ҳал этилиши лозим бўлган ва такомиллаштириш талаб этиладиган йўналишларга доир мавзуларни аниқлай олиш, маънавий-маърифий фаолиятида маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, ташкилий-бошқарув фаолиятида таълим-тарбия жараёни қатнашчилари ва ижодий жамоани бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш малакаларига эга бўлиши лозим.

Мазкур малака талабида 5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, 5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми, таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилган.

Мазкур 5А110301- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислигининг малака талаблари магистрлар тайёрлаш талабига жавоб беради, уни тавсия этиш мумкин.

**Тақризчи:**

**ТТЕС Кимё кафедраси кимё фанлари бўйича PhD** **Каримов С.Х.**

**Низомий номидаги ТДПУ 5А110301- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислигининг малака талаблари**

**T A Q R I Z**

Ушбу малака талабида 5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислигининг умумий таснифи, унинг қўлланиш соҳаси, мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи, таълим соҳаси бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари тўлиқ ёритилган.

Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар мутахассислик бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талабларига мос холатда магистрлар илмий-педагогик фаолиятида таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама ривожлантириш жараёнини мотивациялаш ва фаоллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятида манбаларга асосланган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, давр учун долзарб, ҳал этилиши лозим бўлган ва такомиллаштириш талаб этиладиган йўналишларга доир мавзуларни аниқлай олиш, маънавий-маърифий фаолиятида маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, ташкилий-бошқарув фаолиятида таълим-тарбия жараёни қатнашчилари ва ижодий жамоани бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш малакаларига эга бўлиши лозим.

Мазкур малака талабида 5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, 5А110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми, таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилган.

Мазкур 5А110301- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) магистратура мутахассислигининг малака талаблари магистрлар тайёрлаш талабига жавоб беради, уни тавсия этиш мумкин.

**Тақризчи:**

**ТТЕС Кимё кафедраси кимё**

**фанлари бўйича PhD** **Каримов С.Х.**

**110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талабларини ишлаб чиқишда олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг хорижий тажрибаларидан фойдаланилганлиги ҳақида**

## МАЪЛУМОТНОМА

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари лойиҳасини ишлаб чиқишда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Корея, Белоруссия, Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларида педагогика таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тажрибасидан фойдаланилди.

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатларда педагогик кадрлар тайёрлаш вақтининг кўп қисми малака амалиётини ўтказишга сарфланиши танқидий таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сон, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон, Ўбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги "Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида"ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифалар асосида бакалавриат таълим йўналишлари талабаларининг малака амалиётларини ўтказиш муддати 24 ҳафта қилиб белгиланди. Мактабгача таълим йўналиши (3 йиллик) талабаларининг малака амалиётларини ўтказиш муддати 14 ҳафта, ўқиш даври 3 йил қилиб белгиланди.

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари асосида кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларида бакалавриат талабалари илмий-тадқиқот ишларига жалб этилишини инобатга олиб, малака талабларида илмий-тадқиқот фаолияти ҳам назарда тутилган. Илғор хорижий мамлакатлардаги педагогика таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар сонини ва номланишини ҳисобга олиб, ўқув режасида фан блоклари таркиби янгиланди.

Хорижий мамлакатларда олий педагогика таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларида талабаларнинг келгуси фаолияти ҳисобга олиниб танлов бўйича фан ўрганиш имконияти берилади, яъни таълимни демократлаштиришни назарда тутишини эътиборга олиб, ушбу **110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режасидаги танлов фанлари ҳажми олдинги авлод ўқув режасига нисбатан оширилди.

Педагогика таълим соҳаси бўйича илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш мақсадида магистратура талабалари малака талабларида мамлакатимиз ҳамда хорижий илмий ва таълим муассасаларида стажировка ўтказиш инобатга олинди.

**ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор Д.У.Эргашев**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги магистратура мутахассисликлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассисислиги) битирувчнлари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий комнетентлик талаблари)**

| магистратура таълим йўналиш | | Магистратура мутахассислиги учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари лари) |
|---|---|---|
| **шифри** | **номи** | |
| **5А110301** | **Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (Кимё)** | **Касбий фаолиятнинг соҳалари:**<br>-5А110401 - Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (Кимё) магистратура мутахассислиги – қўшимча равишда олий таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш, мос таълим йўналишлари бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида жараённи лойиҳалаштириш ва бошқариш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.<br>**Касбий фаолиятнинг объектлари:**<br>**5А110301 - Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (Кимё)** мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг объектлари**:**<br>қўшимча равишда олий таълим тизими муассасаларида мутахассислик бўйича ўқув-тарбия ва илмий-тадқиқот жараёнлари, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва техник лойиҳалари, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи объектлар мажмуасини қамраб олади.<br>**Таълим соҳаси бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**<br>• *илмий-педагогик,*<br>• *илмий-тадқиқот;*<br>• *маънавий-маърифий*;<br>• *ташкилий-бошқарув;*<br>• *олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги педагогик фаолиятда* ва шу кабиларни ўз ичига олади.<br>Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.<br>Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (Кимё) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.<br>**2.1. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**<br>- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умум методологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш |

| | | |
|---|---|---|
| | | қобилиятига эга бўлиши;<br>- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил тахлил қилиш;<br>- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини ажирата олиш;<br>- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиш;<br>- шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиш;<br>- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиш;<br>- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиш;<br>- ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиш;<br>- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш;<br>- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;<br>- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиш;<br>- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;<br>- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиш;<br>- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаш;<br>- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила олиш;<br>- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиш;<br>- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш;<br>- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер |

| | | |
|---|---|---|
| | | билан ишлаш;<br>- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш;<br>- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиш;<br>- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш;<br>- патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиш;<br>- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш ***малакаларига эга бўлиши керак***.<br>**2.2. *5А110401-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (Кимё)* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**<br>**Илмий-педагогик фаолиятида:**<br>- фаннинг замонавий ютуқлари, педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиш, таълим олувчиларнинг қизиқишлари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш;<br>- таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама ривожлантириш жараёнини мотивациялаш ва фаоллаштириш, ўқув-тарбиявий фаолият барча босқичларининг мантиқийлиги ва эмоционаллигига эришиш, дидактик воситалардан самарали фойдаланиш; зарур билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш ва фаолият рационал усулларини шакллантириш, мавжуд билимларни доимо бойитиб бориш эҳтиёжини юзага келтириш,ҳар бир дарсни ташхис этиш, прогнозлаш ва пухта лойиҳалаштириш;<br>- ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш ва ўзлаштиришнинг энг янги технологияларини қўллаш, турли хилдаги шакл, метод ва воситалардан мос равишда фойдаланиш;<br>- жамоавий фаолият усуллари билан бирга таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг турли шаклларидан фойдаланиш, тезкор қайта алоқани таъминлаш, назорат ва бошқарувни амалга ошириш, дарсни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш;<br>- таълим олувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар (ватанпарварлик, тиришқоқлик, тартиблилик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, толерантлик ва бошқалар)ни шакллантириш;<br>- педагогик одоб талабларига амал қилиш, таълим олувчилар билан ҳамкорлик ва уларнинг муваффақият қозонишларидан манфаатдор бўлиш; |

| | | |
|---|---|---|
| | | - таълим олувчиларда ўқув-билиш фаолиятига доир ижобий сифатлар, қизиқиш, ижодий ташаббускорлик ва фаолликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш;<br>- таълим олувчиларнинг идрок этиш имкониятлари даражасини ўрганиш, ҳисобга олиш, “ривожланишнинг яқин зонасини лойиҳалаштириш”, “ўзиб кетиш” даражасидаги ўқув машғулотларини ташкил этиш;<br>- таълим олувчиларнинг шахсий ва касбий ривожланишини таъминлаш мақсадида таълим-тарбия шакл, метод ва воситаларини ҳамда таълим технологияларини оқилона танлаш ва самарали қўллаш;<br>- таълим олувчиларнинг ўзлаштирилаётган ўқув дастурлари билан боғлиқликдаги билиш имкониятлари, эҳтиёжлари ва муваффақиятларини ўрганиш ва олинган натижалар асосида таълим, тарбия ва ривожланишнинг индивидуал йўналишларини лойиҳа-лаштириш;<br>- таълим ва тарбия жараёнини таълим олувчиларнинг ёш ҳамда психофизиологик хусусиятларига, шу жумладан уларнинг таълимий эҳтиёжларига мос келувчи педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;<br>- педагогик жамоа, ота-оналар, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш;<br>- касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш.<br>- педагогларнинг касбий эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда олинган натижалар асосида индивидуал методик қўллаб-қувватлаш тизимини лойиҳалаштириш;<br>- педагогларнинг ҳамкорликдаги методик фаолияти натижаларини амалда қўлланишини тадқиқ этиш, ташкил этиш ва баҳолаш;<br>- таълимий дастурларни ва таълим олувчиларнинг индивидуаллигини ривожлантириш йўлларини лойиҳалаштириш;<br>- ўқув фанлари мазмуни, назорат шакл ва методларини ҳамда дидактик-коррекцион материалларини лойиҳалаштириш;<br>- ўқитиш жараёни сифатини таъминловчи таълимий муҳитни лойиҳалаштириш;<br>- бўлғучи педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш ***малакаларига эга бўлиши лозим.***<br>**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**<br>- манбаларга асосланган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, давр учун долзарб, ҳал этилиши лозим бўлган ва такомиллаштириш талаб этиладиган йўналишларга доир мавзуларни аниқлай олиш;<br>- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш;<br>- замонавий тадқиқот методлари ва методологияси, таълим-тарбияга доир назариялар, концепциялар, илғор тажрибалардан фойдаланиш;<br>- илмий муаммоларни ҳал этишнинг концептуал ва |

| | | |
|---|---|---|
| | | назарий моделларини ишлаб чиқиш ***малакаларига эга бўлиши лозим.***<br>**Маънавий-маърифий фаолиятида:**<br>- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;<br>- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;<br>- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;<br>- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;<br>- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш ***малакаларига эга бўлиши лозим***.<br><br>**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**<br>- таълим-тарбия жараёни қатнашчилари ва ижодий жамоани бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;<br>- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;<br>- илмий ва ўқув фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;<br>- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни такомиллаштириш ***малакаларига эга бўлиши лозим.***<br>**Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги педагогик фаолиятда:**<br>- мутахассислик фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;<br>- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш маҳоратига эга бўлиши;<br>- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;<br>- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш;<br>- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник ва компьютер воситаларидан фойдаланиш;<br>- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги янги шакл, методлар воситаларни ўзлаштириш ва ўз-ўзини |

| | | |
|---|---|---|
| | | ривожлантириш;<br>- электрон ахборот таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш;<br>- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;<br>- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ***малакаларига эга бўлиши лозим.***<br>**Бундан ташқари у:**<br>- кимё соҳасидаги касбий билимларини амалда қўллаши;<br>- индивидуал ва гуруҳларда ишлаши;<br>- фан ва техниканинг замонавий ривожланиш шароитларида биология соҳасидаги янги билимларни тезкор эгаллаши;<br>- таълим тизими соҳасида тезкор қарорлар қабул қилиши;<br>- фаннинг замонавий ютуқлари, педагогик технология-лардан фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуният-лари асосида ташкил этиш, таълим олувчиларнинг қизиқиш-лари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш;<br>- таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама ривожлан-тириш жараёнини мотивациялаш ва фаоллаштириш, ўқув-тарбиявий фаолият барча босқичларининг мантиқийлиги ва эмоционаллигига эришиш, дидактик воситалардан самарали фойдаланиш; зарур билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш ва фаолият рационал усулларини шакллантириш, мавжуд билимларни доимо бойитиб бориш эҳтиёжини юзага келтириш,ҳар бир дарсни ташхис этиш, прогнозлаш ва пухта лойиҳалаштириш;<br>- ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш ва ўзлаштиришнинг энг янги технологияларини қўллаш, турли хилдаги шакл, метод ва воситалардан мос равишда фойдаланиш;<br>- жамоавий фаолият усуллари билан бирга таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг турли шаклларидан фойдаланиш, тезкор қайта алоқани таъминлаш, назорат ва бошқарувни амалга ошириш, дарсни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш;<br>- таълим олувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар (ватанпарварлик, тиришқоқлик, тартиблилик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, толерантлик ва бошқалар)ни шакллантириш;<br>- педагогик одоб талабларига амал қилиш, таълим олувчилар билан ҳамкорлик ва уларнинг муваффақият қозонишларидан манфаатдор бўлиш;<br>- таълим олувчиларда ўқув-билиш фаолиятига доир ижобий сифатлар, қизиқиш, ижодий ташаббускорлик ва фаолликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш;<br>- таълим олувчиларнинг идрок этиш имкониятлари |

| | | |
|---|---|---|
| | | даражасини ўрганиш, ҳисобга олиш, “ривожланишнинг яқин зонасини лойиҳалаштириш”, “ўзиб кетиш” даражасидаги ўқув машғулотларини ташкил этиш;<br>- таълим олувчиларнинг шахсий ва касбий ривожланишини таъминлаш мақсадида таълим-тарбия шакл, метод ва воситаларини ҳамда таълим технологияларини оқилона танлаш ва самарали қўллаш;<br>- таълим олувчиларнинг ўзлаштирилаётган ўқув дастурлари билан боғлиқликдаги билиш имкониятлари, эҳтиёжлари ва муваффақиятларини ўрганиш ва олинган натижалар асосида таълим, тарбия ва ривожланишнинг индивидуал йўналишларини лойиҳалаштириш;<br>- таълим ва тарбия жараёнини таълим олувчиларнинг ёш ҳамда психофизиологик хусусиятларига, шу жумладан уларнинг таълимий эҳтиёжларига мос келувчи педагогик технология-лардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;<br>- педагогларнинг касбий эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда олинган натижалар асосида индивидуал методик қўллаб-қувватлаш тизимини лойиҳалаштириш;<br>- педагогларнинг ҳамкорликдаги методик фаолияти натижаларини амалда қўлланишини тадқиқ этиш, ташкил этиш ва баҳолаш;<br>- ўқув фанлари мазмуни, назорат шакл ва методларини ҳамда дидактик материалларини лойиҳалаштириш;<br>- ўқитиш жараёни сифатини таъминловчи таълимий муҳитни лойиҳалаштириш;<br>- бўлғуси педагогик фаолиятни лойиҳалаштира олиш компетенциясига эга бўлиши лозим. |

## “5А110301-Аник ва табиий фаилар укитиш методикаси (Кимё) ” магистратура таълим йуналиши буйича малака талабииинг халкаро микёсидаги бошка таълим йуналишлари малака талаблари билан киёсий таккослаш

### Магистратурада таълим жараёнининг умумий курсаткичлари

| № | Таълим жараёни | Узбеки стон Республикаси (Магистратура) | Жанубий Корея Республикаси (Магистратура | Германия (Магистратура) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Бошлалиши | Бакалавр йўналиш дипломи олингацдан сўнг | Бакалавр йўналиш дипломи олингаидан сўнг | Бакалавр йўналиш дипломи олингандан сўнг |
| 2 | Давомийлиги | 2 йил | 2 йил | 2 йил |
| 3 | Таълим олувчилар сони | - | - | - |
| 4 | Утиш жойлари | Таълим муассасаларининг илмий тадкикот булимлари-да, илмий тадкикот инс-титутларида, илмий муасса-салар ва укув юртларининг тадкикот булимлари | Университетга хомийлик киладиган инстшуглар | Университет кафедрасидд магистрнинг тахассислиги ва илмий тадкикот мавзу-ларига тааллуқли бўлган инстшуглар |
| 5 | Таълим берувчилар | Университетда фаолият юритаётган илмий унюнга эга булган малакали ўқитувчилар профессор-ўқтувчилар | Университета фаолият юритаётган илмий унюнга эга булган малакали ўқитувчилар ва хорижий мутахассисларни жалб этилади | Университетда фаолият юригаётган илмий унвони-га эга булган соха мутахас-сислари ва хорижий мутахассисларни жалб этилади |
| 6 | Таълим жараёнини кузатиш ва назорат килиш | Узбекистан Республикаси Олий ва Урта махсус таълим вазирлиги, ДТМ, кафедра мудири, бириктарилган бошка профессор-укитувчилар | Факультет рахбарияти ва тегишли кафедра мудирлари ва укитувчипар | Факултет деканапги, кафедра мудирлари. профессор Укитувчи узига беркигилган Магистр билан индивидуаль тарзда фаолият юригади |

**Магистратурада таълим жараёнинг таркиби**

| № | Таълим жараёни | Узбеки стон Республикаси (Магистратура) | Жанубий Корея Республикаси (Магистратура | Германия (Магистратура) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Назарий таълим | Кафедрадаги фаолият юритаётган илмий унюнга эга булган малакали ўқитувчилар профессор-ўқтувчилар томонидан назарий билимлар магистрга берилади | Асосан магистр узлари-нинг йуналишлари буйича профессорўқтувчиларнинг маърузаларига киради. | Асосий қисми факультетда маъруза курслари курини-шида утказилади |
| 2 | Амалий таълим | Кафедрадаги фаолият юритаётган илмий унюнга эга булган малакали ўқитувчилар профессор-ўқтувчилар томонидан амалий билимлар магистрга берилади | Университет кафедралари кошидаги махсус лабоаторияларда, | Таълим муассасасвда ва Университет кафедралари кошидаги махсус лабоаторияларда Университет кафедралари кошидаги махсус лабоаторияларда |
| 3 | Илмий - тадкикот ишлари | Магистратурада таълим олувчилар танлаган мавзуси буйича Илмий тадқиқот ищини кафедра ёки илмий тадкикот муассасаларида амалга оширади. Кафедра ёки бошка кафедра прфессор-укцгувчилари | Илмий иш буйича кафедра ёки узининг мавзуси буйича бошка мутахассис билан турли инстшугларда оширилади. Магистратурада укиш жараёнида илмий рахбар танланади. | Кафедра профессор-укитувчилари рахбарлищда, илмий дастурлар доирасида тадкикот ишлари амалга оширилади. Илмий ищ давомида рефератлар такдим килиши, конференцияларда ишгрок |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | (маслахягчи) илмий рахбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий маколалар, тезислар ёзиш, республика ва халкаро илмий анжуманларда ишгрок этиш ва маъруза килиш билан шугулланадилар. | | килиши ва илмий иш мавзуси буйича журналга макола ёзиши мумкин. |
| 4 | Мустакил таълим | Магистр назарий машгулотлар, амалий куникмалар ва илмий ишлари буйича асосий база ва бошкд таълим муассасаларида яратилган шароиглардан (таркатма материаллар, кугубхона, интернет тармоги, ишлаб чикариш ва базавий муассасаларда) фойдаланган ходда уз билимларини оширишлари мумкин. | Магистр турли мавзуларда мустакил изланадилар ва семестрлар якунида хулосаларини профессор-укшувчиларга такдим этадилар (макола,такдимот | Магистр мустакил таьлимда журналларга камида 2-3 макола ёзадилар. Мослаштирилган барча шарг-шароитлардан кенг фойдаланишлари мумкин. |
| 5 | Таълим жараёнида бахрлаш | Магистрнииг назарий ва амалий куникмалар, илмий-тадкикот ишлари буйича билимларини бахдлаш магистратурада жорий, оралик, якуний баҳо куринишида ва хар ярим йиллик ва йиллик аттестация куринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтихон саволлари огзаки, ёзма, тест куринишида ва амалий куникмаларни намойиш этиш куринишида талаб килинади. | Семестрлар давомида асосий фанлардан белгиланган амалий, семинар машгулотлари оркали кредит йигиб борадилар. | Магистрнинг жорий билими, компегенцияси ва узлашгириши оралик тест саволлари оркали, билимларни даврий огзаки куринищда текшириш, цикллар буйича хар ярим йилда ёзма тест куринишида амалга оширилади. |

**Кафедра мудири:** **А.Ю.Искандаров**